

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САДАНОВА ДИЛНОЗА АЛИМБАЕВНА

**ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНСОН
МАНФААТЛАРИНИНГ СОЦИОАНТРОПОЛОГИК МОҲИЯТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Саданова Дилноза Алимбаевна

Жамият тараққиётини таъминлашда инсон манфаатларининг
социоантропологик моҳияти.....3

Саданова Дилноза Алимбаевна

Социоантропологическая сущность интересов человека в обеспечении
развития общества.....21

Sadanova Dilnoza Alimbayevna

The socio-anthropological essence of human interests in ensuring
the development of society.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works43

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САДАНОВА ДИЛНОЗА АЛИМБАЕВНА

**ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНСОН
МАНФААТЛАРИНИНГ СОЦИОАНТРОПОЛОГИК МОҲИЯТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Fal275 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хажиева Мақсуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хакимов Назар Хакимович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Негматова Шахзода Шухратовна
фалсафа фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “13” июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65)221-29-14; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 65 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2021 йил “30” июль кuni тарқатилди.
(2021 йил “30” июль даги 6 - рақамли реестр баённомаси.)



Наврўзова Г.Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А.З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Саломова Х.Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бўлаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ўзгаришлар глобал тараққиётга таъсир этиб, янги парадигмал моҳият касб этмоқда. Жамият тараққиёти қандай ижтимоий қонунлар, принциплар ва тартиботлар асосида кечиши зарур, ушбу қонунларни англаб, ўрганиб ва ижтимоий борлиққа тадбиқ этиб бўладими, деган муаммо барчани, аввало файласуфлар ва жамиятшунослар диққатини тортмоқда. Ушбу муаммоларга ечим топишда ижтимоий тараққиётнинг мураккаб, зиддиятли ва флуктуацион хусусиятларини, айниқса, ижтимоий тараққиётнинг миллий моделларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳоннинг ривожланган илғор мамлакатларида глобал тараққиёт, унинг имманент хусусиятлари, миллий маданиятлар ва тараққиётга таъсири муаммолари бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада, жамият тараққиётини умумпланетар воқелик сифатида тадқиқ этиш, глобал ва миллий тараққиёт индекслари, кўрсаткич ва мезонларини; улар асосида ётган ижтимоий тараққиётнинг тарихий, социологик, маданий, иқтисодий ва интегратив қонунларини ишлаб чиқиш ҳамда инсоният тараққиётини англаш, изоҳлаш ва самарали, рационал ташкил этиш механизмларини яратиш, уларнинг инсон манфаатлари ва жамият тараққиётига таъсири масалаларини ижтимоий-фалсафий аспектда тадқиқ этиш юзасидан илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқишга оид илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурати таъкидланмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар аҳолининг нафақат моддий, балки маънавий манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириш, юксак маърифатли шахсларни тарбиялаш йўналишидаги изланишларга, инсоннинг ўзлигини англаш жараёнларини ижтимоий, маънавий-маданий жиҳатдан ўрганишга катта эътибор берилмоқда. “Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад —“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган, оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат”¹. Жамият тараққиёти ва инсон манфаатларига оид илмий, назарий таълимотларни фалсафий ёндашувлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, жамият барқарорлигини таъминловчи ижтимоий-сиёсий омилларнинг кишилар онги ва фаолиятига детерминистик таъсирини ёритиш, иқтисодий ва инсон манфаатларини уйғунлаштириш иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир этишини очиб бериш, жамият маънавий-маданий тараққиёти этнодифференциал хусусиятларининг интеллектуал бой ва социокреатив янги авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини аниқлашга оид тадқиқотларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2018. - Б. 244

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги 736-сон “Таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 11 мартдаги 132-сон “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илм-фанида инсоният ва жамият тараққиёти муаммоларини тадқиқ этишда Ф. Бэкон, М. Вартовофский, Х. Гадамер, Г. Гегел, К. Гелвений, И. Гердер, И. Кант, К. Мангейм, К. Поппер, Б. Рассел, В.В. Ростой, Э.Б. Тэйлор, А. Тойнби, О. Шпенглер, К. Ясперсларнинг² ўрни бекиёс.

Шунингдек, МДХ олимларидан ушбу муаммони ўрганишда жуда кўплаб олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Бу ўринда аввало, Н.А. Бердяев, И. Бестужев-Лада, П. Гречко, С.Жекшенкулов, А. Игнатенко, А. Кармин, Н.Конрад, Е.Кычанов, А.Лосев, Ю.Яковец³ каби тадқиқотчиларнинг илмий изланишларини қайд этиш лозим.

² Бэкон Ф. Сочинения: В 2-х т. -Т.2. –Москва: Мысль, 1978. –С.575; Вартовофский М. Модели. Репрезентация и научное понимание. – Москва: Прогресс, 1988. –С.506; Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основ философской герменевтики.– Москва: Прогресс, 1988. –С.704; Гегель Г.В. Философия права. – Москва: Мысль, 1990. –С.524; Гегель. Собр.соч. Т.8. – Москва: Мысль, 1957. –С.470; Гельвений К. А. Об уме. –Москва: Соцэкгиз, 1938. –С.396; Гердер И.Г. Идеи к философии истории человечества. – Москва: Наука, 1977. –С.703; Кант И. Сочинения. В 6-ти т. Том 5. - Москва: Мысль, 1966. –С.504; 1972. –С.406; Мангейм К. Идеология и утопия // Антология зарубеж. лит. Москва: Прогресс, 1991. – С.113-169; Поппер К. Открытое общество и его враги. Москва: Культурная инициатива, 1991. –С. 976; Рассел Б.Человеческое познание. Иностран. литература, 1957. –С.555; Rostow N. Y. The stages of economic growth. Cambridge. 1971. – С.159; Тайлор Э. Первобытная культура. – Москва: Политиздат, 1989. –С.572; Тойнби А. Постигание истории. Сборник. – Москва: Прогресс,1991. –С.731; Шпенглер О. Закат Европы. - Москва: Мысль, 1993. – С.663; Ясперс К. Смысл и назначение истории. –Москва: Политиздат, 1991. –С.527.

³ Бэкон Ф. Сочинения: В 2-х т. -Т.2. –Москва: Мысль, 1978. –С. 575; Вартовофский М. Модели. Репрезентация и научное понимание. – Москва: Прогресс, 1988. –С.506; Гадамер Х.Г. Истина и метод.

Жамиятимизнинг тараққиёти ва унда манфаатлар диалектикаси масалаларининг айрим қирралари мамлакатимизда етакчи олимларимиз Ҳ. Абулқосимов, В. Алимасов, Б. Валиев, Ю. Дадабоев, Б. Жўраев, Н. Жўраев, Б. Иминов, А. Мадалиев, Ш. Мамадалиев, О. Мусаев, Н. Нишонова, С. Норкулов, А. Раззоқов, С. Сафаев, Н. Тўхлиев, Х. Хайдаров, А. Эркаев, Э. Юсупов, Ш. Қобилов, В. Қўчқоровлар⁴ томонидан илмий тадқиқ этилган.

Юқорида қайд этилган мамлакатимиз олимларининг илмий изланишлари алоҳида эътиборга молик бўлса-да, бироқ Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, жамият тараққиётини таъминлашда инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш, ушбу соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш прагматик сиёсат нуктаи назаридан тадқиқ этиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Основ философской герменевтики.– Москва: Прогресс, 1988. –С.704; Гегель Г.В. Философия права. – Москва: Мысль, 1990. –С.524; Гегель. Собр.соч. Т.8. – Москва: Мысль, 1957. –С.470; Гельвеций К. А. Об уме. –Москва: Соцэкгиз, 1938. –С.396; Гердер И.Г. Идеи к философии истории человечества. – Москва: Наука, 1977. –С.703; Кант И. Сочинения.В 6-ти т. Том 5.- Москва: Мысль, 1966. –С.504; 1972. –С.406; Мангейм К. Идеология и утопия // Антология зарубеж. лит. Москва: Прогресс, 1991. – С.113-169; Поппер К. Открытое общество и его враги. Москва: Культурная инициатива, 1991. –С.976; Рассел Б.Человеческое познание. Иностран. литература, 1957. –С.555; Rostow N. Y. The stages of economic growth. Cambrge. 1971. – С.159; Тайлор Э. Первобытная культура. – Москва: Политиздат, 1989. –С.572; Тойнби А. Постигание истории. Сборник. – Москва: Прогресс, 1991. –С.731; Шпенглер О. Закат Европы. – Москва: Мысль, 1993. – С.663; Ясперс К. Смысл и назначение истории. –Москва: Политиздат, 1991. –С.527.

³ Бердяев Н.А. Смысл истории. – Москва: Мысль, 1990. –С.178; Бестужев - Лада И.В. Альтернативная цивилизация. Единственное спасение человечества. – Москва: Алгоритм, 2003. –С.448; Гречко П.К. Концептуальные модели истории. – Москва: Логос, 1995. –С.144; Джекенкулов А. Новые независимые государства Центральной Азии в мировом сообществе. – Москва: Научная книга, 2000. –С.276; Игнатенко А.А. В поисках счастья. Общественно-политические воззрения арабо-мусульманских философов средневековья. –Москва: Мысль, 1989. –С.255; Кармин А.С. Основы культурологии. Морфология культуры. – Санкт Петербург: Лань, 1997. –С.512; Конрад Н.И. Запад и Восток. – Москва: Наука, 1972. –С.406; Кычанов Е.И. Властители Азии. – Москва: Вост. лит., 2004. –С.632; Лосев А.Ф. Очерк античного символизма и мифологии. – Москва: Мысль, 1993. –С.959; Яковец Ю.В. История цивилизаций. – Москва: Центр ВЛАДОС, 1997. –С.325.

⁴ Абулқосимов Ҳ. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар. –Тошкент: Академия, 2008. – Б.224; Алимасов В. А., Ходжаева Б.Х. Ижтимоий-маънавий тараққиётда тарихий шахсларнинг роли. –Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. – Б. 56; Валиев Б. Иқтисодий маданият ва уни шакллантириш омиллари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2008. – Б.25; Дадабоев Ю.Т. Предпринимательское право в Республике Ўзбекистан. – Ташкент: Иқтисодиёт, 1999. – Б. 397; Жўраев Б. Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришнинг мулкчи ва шартномавий ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. – Тошкент: Наврўз, 2014. – Б.42; Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.459; Иминов Б.К. Манфаатлар сиёсат ва мафкура манбаи. –Тошкент: Минхож, 2002. – Б.132; Мадалиев А. Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий тараққиёти миллий моделини яратиш асослари. –Тошкент: Фан, 2004. – Б.128; Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. – Тошкент: Академия, 2003. – Б. 223; Мусаев О. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривож. –Тошкент: Истиклол нури, 2016. – Б. 28; Нишонова Н. Давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти (фалсафий таҳлил). – Тошкент: Фан, 2013. – Б.223; Нишонова О. Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти. – Тошкент: Фан, 2013. – Б.171; Норкулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онда трансформация жараёнлари. – Тошкент: Navro'z, 2015. – Б.190; Раззоқов А. Иқтисодий тафаккур сарчашмалари. – Тошкент: Ўзбекистон. 2011. – Б. 248; Сафаев С.Марказий Осиёда геосиёсат. –Тошкент: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, 2005. –Б.120; Тўхлиев Н. Ўзбек моделлари : тараққиёт омиллари. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2014. – Б.264; Хайдаров Х. Ислохотлар қонуниятлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.159; Эркаев А. Маънавият ва миллий тараққиёт. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.480; Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент: Университет, 1998. – Б.184; Қобилов Ш.Р.Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий таянчи. – Тошкент: O`qituvchi, 2011. – Б.92; Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий сиёсий жараёнлар. – Тошкент: Akademiya, 2007. – Б.155

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ёшлар маънавий қиёфасини юксалтиришнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маданий муаммоларини ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган (2017-2021 йй).

Тадқиқотнинг мақсади жамият тараққиётининг хусусиятлари, қонуниятлари ҳамда инсон манфаатларининг социоантропологик моҳиятини ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан очиб бериш ва инсон манфаатларининг таъминланишини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жамият тараққиёти ва инсон манфаатларига оид илмий концепциялар, таълимотлар, қарашларни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этиш ва уларнинг социоантропологик моҳиятини очиб бериш;

жамият тараққиётига ижтимоий-сиёсий омилларнинг детерминистик таъсирини, давлат ва жамият бошқаруви институтларининг инсон манфаатларига муносабатларини конкрет мисоллар ва тажрибалар асосида тадқиқ этиш;

иқтисодий тараққиётдаги инсон ва умуммиллий, умумхалқ манфаатларининг уйғунлашиб келиш қонуниятларини, бу қонуниятларнинг аҳоли турмуш тарзига, фаровон ҳаёт кечириши ва интеграцион алоқаларига таъсирини очиб бериш;

жамият маънавий-маданий тараққиётининг этнодифференциал жиҳатларини, интеллектуал бой ва социокреатив янги авлодни тарбиялаш билан боғлиқ муаммоларни ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш ва уларнинг ечимларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий тараққиёти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини жамият тараққиётини таъминлашда инсон манфаатларининг социоантропологик моҳиятини очиб бериш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, тизимли функционал ёндашув, контент анализ, ретроспектив таҳлил, назарий моделлаштириш, индукция ва дедукция усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жамият тараққиёти ва инсон манфаатларига оид илмий таълимотларнинг антропологик ва цивилизацион хусусиятлари аниқланган ҳамда жамият ва инсон муносабатларида инсон манфаатларининг ўрни ва моҳияти сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлар асосида очиб берилган;

фуқаролик жамиятини ривожлантиришда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланиши жамият тараққиётини барқарорлаштирувчи ижтимоий-сиёсий факторга айланиши, унинг онг ва тафаккурда детерминистик таъсир этиши умуммиллат манфаатларини шакллантирувчи мезон эканлиги асосланган;

жамият тараққиётида иқтисодий манфаатлар билан инсон манфаатларининг уйғунлашуви иқтисодий тараққиётга позитив таъсир этиши аниқланиб, бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бандликни таъминлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш, маърифатни юксалтиришдаги ролини янада ошириш долзарб эканлиги исботланган;

маънавий, маданият, санъат, қадрият каби жамият маънавий-маданий тараққиётидаги этнодифференциал хусусиятларнинг интеллектуал бой ва социокреатив янги авлодни тарбиялашда ватанпарварлик, фидоийлик, ислохотларга дахлдорлик тамойилларининг аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жамият тараққиёти ва инсон манфаатлари борасидаги илмий-назарий, фалсафий таълимотлар социоантропологик моҳиятининг Ўзбекистонда шаклланган демократик муҳитга мослиги исботланган;

ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг детерминистик хусусиятлари ва уларнинг манфаатларга таъсири аниқлаб берилган бўлиб, бу натижалар маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда назарий-методологик нуктаи назардан асосланган;

жамият тараққиётида иқтисодий манфаатлар билан инсон манфаатларининг уйғунлашуви, гармонияси ривожланишга позитив таъсир этиши, маънавий-маданий тараққиётни таъминловчи омилга айланиши исботланган, бу борадаги муаммолар ечимига конструктив ёрдам берувчи илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндошувлар расмий манбалардан олинганлиги, шу билан бирга тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманлардаги маъруза ва тезисларда, республика ва нуфузли хорижий нашрларда эълон қилинган мақолалар, тадқиқот иши юзасидан берилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган назарий-услубий хулосалар ва амалий тавсиялардан жамият тараққиётининг имманент хусусиятлари, қонунларига оид илмий концепцияларни яратишда, инсон манфаатларига оид илмий-назарий, теомифологик, антропологик, формацион, цивилизацион ёндашувларни амалий фаолиятга тадбиқ этишда муайян назарий ҳисса қўшиши, инсон манфаатлари таъминланишининг такомиллашувига оид назарий-услубий асосларни ишлаб чиқишда хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялардан ёшларнинг фалсафий, ижтимоий дунёқарашини шакллантиришда, уларни миллий юксалиш ғояси атрофида жипслаштиришда, инсон манфаатларини ҳар томонлама устун эканлигини асослашда, оммавий ахборот воситалари томонидан олиб борилаётган

ислоҳотларнинг туб моҳиятини халққа етказишга оид ёритиш фаолиятида, иқтисодий манфаатлар билан инсон манфаатларининг уйғунлашувига оид хулосалардан сиёсий ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг дастурларини тузишда, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жамият тараққиётини таъминлашда инсон манфаатларининг социоантропологик моҳиятини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

жамият тараққиёти ва инсон манфаатларига оид илмий таълимотлар антропологик ва цивилизацион ёндашувлар нуқтаи назардан таҳлил қилиниб, инсоннинг ўзаро муносабатларида инсон манфаатларининг ўрни ва моҳияти социоантропологик меъёрлар асосида очиб берилганлигига оид илмий хулосалардан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 июндаги 89-03-1969-сон маълумотномаси). Натижада мазкур назарий хулосалар дарсликнинг назарий жиҳатдан такомиллашувига хизмат қилган;

фуқаролик жамиятини ривожлантиришда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланиши жамият тараққиётини барқарорлаштирувчи ижтимоий-сиёсий факторга айланиши, унинг онг ва тафаккурга детерминистик таъсир этиши умуммиллат манфаатларини шакллантирувчи мезон эканлиги тўғрисидаги материаллардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Халқ қабулхоналарида” номли радиоэшиттиришнинг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси 2020 йил 17 августдаги 04-25-798-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимизда инсон манфаатларини устуворлигини амалда таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг туб моҳиятини халқимизга етказишга, давлат органларини халққа хизмат қилдириш ғояси негизида халқ оммасининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ислоҳотларда фаол иштирок этишини таъминлаш ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга хизмат қилган;

жамият тараққиётида иқтисодий манфаатлар билан инсон манфаатларининг уйғунлашувининг иқтисодий тараққиётга позитив таъсир этиши, бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ролини янада ошириш долзарблигига доир илмий-назарий хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон Либерал демократик партияси дастурининг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” боби “Тўлиқ бандлик ва муносиб иш ўрни” бандини тайёрлашда фойдаланилган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 2020 йил 18 сентябрдаги 01-27/400-сон маълумотномаси). Натижада аҳоли ўртасида иқтисодий манфаатлар билан инсон манфаатларининг уйғунлигини ҳамда бу жараёнда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ролини кучайтиришга қаратилган механизмларини такомиллаштириш, барча соҳаларда инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга доир тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишга эришилган;

маънавий, маданият, санъат, қадрият каби жамият маънавий-маданий тараққиётидаги этнодифференциал хусусиятларнинг интеллектуал бой ва социокреатив янги авлодни тарбиялашдаги аҳамияти очиб берилганлигига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилган Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси Хоразм вилояти худудий бўлинмасининг “Етук инсон бўлишимга ишонаман” номли 2019 йил 10 июндаги 61-02/139-сон ҳамда Фуқаролик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш маркази Хоразм вилоят бўлимининг 2019 йил 10 июндаги 61-02/129-сон “Оиламиз тинч фарзандларимиз соғлом” мавзуидаги грант лойиҳаларини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг 2020 йил 25 июндаги 18/8-209-сон маълумотномаси). Натижада, глобаллашув шароитида жамият маънавий-маданий тараққиётининг этнодифференциал хусусиятларини аниқлаш, инсон манфаатларини таъминлашда, интеллектуал бой ва социокреатив янги авлодни тарбиялашда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 11 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуи бўйича 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, хорижий нашрларда 1 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 149 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация бажарилаётган муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммони ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг **“Жамият тараққиёти: илмий-назарий ва ижтимоий-фалсафий концепциялар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида жамият тараққиётининг имманент қонунлари ва манфаатлар социоантропологияси, жамият тараққиёти ҳақида турлича талқинлар, аввало тадқиқотчиларнинг илмий-назарий концепциялари, илмий қизиқишлари ва

ижтимоий борлиқни англаш имкониятлари билан боғлиқлиги ҳақидаги фикрлар юритилган. Диссертацияда инсонни онгли мавжудот эканини билгач, англагач, ён-атрофига назар ташлайдиган, унда кечадиган ҳодисаларга асос қидирадиган бўлганлиги ва ижтимоий генотипнинг шаклланиши инсоннинг ана шу ён-атрофни англаши билан боғлиқ воқелик эканлиги ҳақида ҳам сўз боради. Тадқиқотда жамият тараққиётининг имманент қонунлари ҳақида турли фикрлар мавжудлиги ҳақида ҳам сўз боради. Тоталитар тузум таназзулидан кейинги жараёнларга тадбиқ этган фалсафа фанлари доктори, профессор Х.Ҳайдаров тўрт гуруҳга ажратиб кўрсатади. Биринчи гуруҳга у табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиш қонунларини киритади. Муаллиф уларни “умумпланетар қонунлар” деб атайди⁵. Бу қонунлар, моҳиятига кўра, жамият тараққиётини биосфера ва ноосфера билан боғлиқ тарзда қарашни ифода этади. Жамият табиатнинг муҳим қисми, у ижтимоий хусусиятлари билан ажралиб турса-да, мудом ўзига зарур неъматларни, мавжудлик ва ривожланиши учун зарур моддаларни табиатдан олади. Моддий оламнинг бирламчилиги, ижтимоий онг ва жамиятнинг ривожланиши ана шу табиат инъомлари туфайлидир.

Иккинчи гуруҳга инсоният ва давлатчилик пайдо бўлганидан бошлаб, ҳозиргача амал қилиб келаётган қонунлар киритилган. Уларни муаллиф “умуминсоний қонунлар” деб атайди. Мазкур қонунлар гуруҳига “ижтимоий эҳтиёжлар билан ижтимоий манфаатларнинг ўзаро уйғунлиги қонуни, жамият моддий ҳаёти билан маънавий ҳаётининг мувофиқлиги, маънавиятнинг фаоллиги, моддий бойликларни яратиш ҳамда уларни истеъмол қилишнинг бир-бирига мутаносиблиги каби қонунлар киради”⁶. Бу ўринда асосий эътибор ижтимоий қонунларга, жамият ҳаётини ва ривожланишини белгилаб берувчи талабларга қаратилган. Жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари умуминсоний қонунлар гуруҳига киритилади. Демак, ижтимоий қонунлар умуминсоний хусусиятга эга бўлиб, улар талаб ва эҳтиёжлар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди.

Учинчи гуруҳга “инсониятнинг тарихий тажрибаси давомида кўпгина халқлар, миллатлар ҳаётида ўхшаш шарт шароитда айнан бир хилда амал қилган ва қилаётган қонунлар киради”, муаллиф уларни “умумий қонунлар” деб атайди ва мисол тариқасида бозор иқтисодиёти, талаб ва таклиф, рақобат, инфляция қонунлари борлигини кўрсатиб ўтади. Тўртинчи гуруҳ қонунларга “жузъий қонунлар” киради. “Муайян жамият ривожланишининг аниқ бир босқичлари, ҳолати тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун умуминсоний ва умумий қонунларни билишнинг ўзи етарли эмас, чунки муайян бир жамиятни, ундаги ҳодиса ва жараёнларнинг мазмун моҳиятини билиш аввало, жузъий қонунларни билишни тақозо этади.

Мазкур параграфда “социоантропология” тушунчаси XIX асрдан бери мавжуд бўлиб, у инсон билан жамият, инсонийлик билан ижтимоийлик

⁵ Қаранг: Ҳайдаров Х. Ислохотлар қонунияти. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.- Б. 32

⁶ Қаранг: Ҳайдаров Х. Ислохотлар қонунияти. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - Б. 33

уйғунлигини англатувчи воқелик сифатида қаралиши ҳақида фикр юритилади. Бундай ёндашув генезиси антик даврга (Демокрит, Лукреций Кар) бориб тақалса-да, социантропологик қарашлар Э. Кассирер (1874-1945 йй.)нинг “Инсон ҳақида эсселар” асарида тизимли очиб берилган. Айнан ушбу асарда инсон ва унинг жамият билан алоқалари тараққиёт манфаатлари синтези орқали таҳлил этилади. Инсон ва жамият (социал) манфаатлари диалектик уйғунликда қаралади. Инсон манфаатлари маълум бир социумда шаклланади, ушбу боғлиқлик инсон манфаатларини ижтимоий (социал) тараққиёт қонунлари билан уйғунлаштиришга ундайди. “Манфаатлар социантропологияси” ушбу уйғунликни ифода этувчи тушунча сифатида қўлланилади.

Мазкур бобнинг “Жамият тараққиёти: илмий-назарий ёндашувлардаги ўзига хосликлар” номли иккинчи параграфида “ривожланиш”, “тараққиёт” тушунчалари ва улар намоён бўлишининг концептуал-методологик таҳлили берилган.

“Ривожланиш” тушунчасининг этимологик маъноси “табиат ва жамиятдаги қонунли ўзгариш; бир сифат ҳолатидан бошқасига, эскидан янгига ўтиш жараёнлари таҳлил қилинган. Ривожланиш натижасида объектнинг таркиби ёки структурасининг янги сифат ҳолати вужудга келади. Ривожланиш табиат, жамият ва билиш тарихини тушунтиришнинг умумий тамойилидир”⁷. Мазкур талқиндан маълум бўладики, ривожланиш табиат, жамият ва билиш жараёнларига тааллуқли воқелик сифатида сифат ёки сон ўзгаришларини ифода этади. Шу билан бирга ўша манбада ривожланишнинг икки шакли мавжудлиги қайд этилади. Яъни “объектнинг секин аста содир бўлувчи миқдор ўзгаришлари билан боғлиқ эволюцион ривожланиш ва объект тузилмасидаги сифат ўзгаришларидан иборат инқилобий ривожланиш фарқланади. Эволюцион ривожланиш жамиятда бир тизимнинг аста-секин, кескин портлашларсиз бир сифатий асосдан иккинчи сифатий асосга ўтишини, инқилобий ривожланиш эса кескин портлаш йўли билан бир сифатий асосдан иккинчи сифатий асосга ўтишини билдиради”⁸. Платон ва Аристотель асарларида “ривожланиш” ва “тараққиёт” алоҳида воқелик ёки фалсафий тушунчалар сифатида қаралмайди. Уларнинг фаолият, эзгулик, интилиш, ҳаракат, сабаб, оқибат каби воқеликлар ҳақида билдирган фикрларини ўрганиш, улардан муаммога оид фалсафий хулосаларга келиш мумкин. Бироқ, улар умумфалсафий ва умумвоқеликларга оид талқинлар бўлиб, уларни ҳар қандай ўзгаришга, ҳаракатга тадбиқ этиш мумкин. Файласуф назарида ушбу жараёнлар гоҳ ошқора, гоҳ яширин тарзда кечади, инсон ақлу идроки эса номаълум, яширин воқеликларни, табиат ва жамият қонунларини излаб топиши билан қудратлидир.

Диссертациянинг **“Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти ва унда инсон манфаатларининг намоён бўлиши жиҳатлари”** деб номланган

⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2004. -Б 322

⁸ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2004. -Б 323

иккинчи боби икки параграфдан иборат. “Ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг детерминистик хусусиятлари ва уларнинг манфаатларга таъсири” номли биринчи параграфда жамият ва инсон ўртасидаги алоқаларнинг ўрнатилиши, барқарорлиги ҳар иккала объект учун ҳам эҳтиёж, заруриятлиги ҳақида фикр юритилади. Бу эҳтиёж ва зарурият аввало, ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг мақсадлари билан белгиланади. Замонавий жамиятларнинг ҳеч бири ижтимоий-сиёсий мақсадларсиз яшамайди ва тараққий эта олмайди. Мазкур омилнинг таъсири туфайли давлат, унинг институтлари ва бошқариш тизимлари, усуллари шаклланган. Ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг бутун жамият ҳаётига детерминистик хусусияти эътироф этилган, айнан ушбу тафаккур орқали жамият ижтимоий -сиёсий тараққиётининг асосий мақсадлари, қирралари ва натижалари аниқлаб олинади. Шунинг учун ҳам ижтимоий-фалсафий адабиётларда ушбу омилнинг имкониятлари, хусусиятлари ва ижтимоий онгда, жамият ҳаётида акс этиш муаммоларига катта эътибор берилади. Жамиятнинг ижтимоий-тарихий ривожланиши ана шу омил билан боғлиқлиги эътироф этилади.

Ижтимоий-сиёсий тараққиёт ўз атрофида турли манфаатларни уйғунлаштиришга қаратилгани билан эътиборлидир. Шу нуқтаи назардан унинг ўзи умумхалқ ёки миллий манфаат ифодаси сифатида келади. Тадқиқотда турли манфаатлар субъектларига кўра, объектларига кўра, хусусиятларига кўра, йўналишларига кўра, воситаларига кўра, характерига кўра манфаатларга классификация қилиниши мумкинлиги ҳақида ҳам фикр юритилади. Тадқиқотда мазкур манфаатларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлил қилиш орқали инсон фаолиятидаги ўрнини очиб берса бўлади. Бирок унутмаслик керакки, мазкур классификация манфаатларни бир-биридан кескин ажратиб, ҳатто бир-бирига қарши қўйиб ўрганишга асос бўла олмайди, манфаат ўз хусусиятига кўра интегратив ҳодисадир деб таъкидланади. Унинг бу хусусияти инсон фаолиятининг бутун воқелиги, яхлит ҳодиса сифатида келиши билан боғлиқдир. Манфаат фаолиятни, хатти-ҳаракатни юзага келтирса-да, у инсон фаолияти ва хатти-ҳаракатидан айрича қаралиши мумкин эмас. Манфаат инсон фаолияти ва хатти-ҳаракатида ўз ифодасини топганидек, фаолият ва хатти-ҳаракат ҳам манфаатни ифода этади, айнан шунинг учун ҳар қандай манфаат маълум бир фаолият ва хатти-ҳаракат орқали таҳлил қилиниши зарур. Инсон манфаатларининг социоантропологик моҳияти айнан шунинг учун ҳам шахснинг ижтимоийлашув жараёнларида манфаатларнинг тутган ўрни муҳим ва долзарб эканлигини англатади.

Иккинчи бобнинг “Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий парадигмаси ва унинг шаклланишида инсон манфаатларининг ўрни” деб номланган иккинчи параграфда ижтимоий-фалсафий адабиётларда манфаатларнинг инсон ҳаётида, унинг социум билан алоқаларида намоён бўлиш хусусиятлари борасида турлича фикрлар таҳлил этилган. Уларда манфаатларнинг ҳаракатлантирувчи, инсонни фаолликка ундовчи белгилари очиб берилади, инсоннинг барча хатти-ҳаракатлари маълум бир манфаатларга бориб тақалиши, инсон ўз мақсадини манфаатлари орқали ифода этиши очиб

берилади. Ҳаётий мақсад ва манфаат инсоннинг ижтимоий фаолиятида уйғунлашади, уни креатив фаолликка ундайди. Тўғри, ҳаётий мақсад инсондаги парадигмал аҳамиятга эга қадрият ҳисобланади. Бу мақсад инсонни умри бўйи ўзига чорлаб туради, унинг ўзгариши баъзан оғир, фожиали кечади. Ҳаётий мақсаднинг муқим ва барқарор воқелик экани инсонда маълум бир идеал, узоққа йўналтирилган ният, орзу, истак борлигидан дарак беради. Манфаат, шу нуқтаи назардан ёндашсак, ана шу мақсадга етиш усули, воситаси ёки механизми сифатида келади. Манфаатларни тез ўзгартириш, ижтимоий ҳаёт талабларига мувофиқлаштириш, зарур бўлса, уларни парадигмал ўзгартириш мумкин. Манфаатларнинг анланган воқелик эканлиги уларнинг ҳаётий мақсадни алмаштиришга қодирлигини билдирмайди. Баъзи илмий, ижтимоий-фалсафий адабиётларда манфаатлар ҳаётий мақсадлар тарзида талқин қилиниши кузатилади, ҳатто улар инсоннинг бутун борлигини чулғаб олган, ундаги маънавий-руҳий салоҳиятни борича сарфлашга даъват этадиган омил сифатида қаралади. Ижтимоий-сиёсий тараққиётни таъминлаш парадигмал ўзгаришлар, янгиланишлар маҳсули сифатида қатор муаммоларни ҳал этишга ундайди. Уларнинг барчаси бевосита инсон манфаатларига бориб тақалмасда, ўз моҳиятига ва субстанционал асосига кўра, уларни тақозо этади.

Биринчидан, ижтимоий онгда инсон манфаатлари ҳақида тўғри тасаввур ва қарашларни шакллантириш зарур. Ижтимоий-сиёсий институтлардан тортиб ҳар бир шахс, фуқаро инсон манфаатлари нима эканлигини, уни таъминлаш ва эъзозлаш жамият тараққиёти шарти эканини аниқ билиши даркор. Иккинчидан, инсон манфаатлари мавҳум воқелик эмас, улар доимо жамият ҳаёти, мақсади ва эҳтиёжлари билан боғлиқ тарзда келади. Инсон манфаатларини мавҳумлаштиришдан, ҳатто сўз ўйинига айлантиришдан осон нарса йўқ, баъзан илмий адабиётларда ҳам ушбу ёндашув кузатилади. Ваҳоланки, манфаатлар мудом аниқ, ўз мақсадига эга интилишлар, сайъи ҳаракатлар ифодасидир. Масалан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар негизида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, манфаатлар плюрализмига асосланган, ҳар бир шахснинг қобилияти, эҳтиёжи ва манфаатлари учун зарур шарт шароитлар яратадиган жамият барпо этиш мақсади ётади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилар экан шундай дейди: “Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак”⁹. Бу ўринда Президентимиз манфаатларни аниқ вазифа сифатида тасаввур этишга оид фикрларини билдирмоқда.

⁹ Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - Б. 114

Диссертациянинг “**Жамиятнинг иқтисодий тараққиёти ва унда инсон манфаатларини таъминлаш масалалари**” деб номланган учинчи боби икки параграфдан иборат. “Жамиятнинг иқтисодий тараққиёти ва унинг инсон манфаатлари билан уйғунлиги” деб номланган биринчи параграфда жамият тараққиётида иқтисодий ўзгаришлар, кишилар ҳаётини ва турмушини фаровонлаштирувчи иқтисодий омиллар муҳим рол ўйнаши ҳақида сўз боради. Жамият тараққиёти ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар доимо иқтисодиётга, иқтисодий муносабатлар ва ўзгаришларга бориб тақалади. Социум ҳаётининг энг муҳим соҳаси бўлган иқтисодиёт ижтимоий тараққиётнинг асосини ва пировард натижасини ташкил этади. Иқтисодий тараққиётнинг ўз қонунлари мавжуд бўлиб, улар кишиларни сергак яшашга, кундалик ҳаёт кун тартибига қўядиган муаммоларни ечиб яшашга даъват этади. Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон ўзининг иқтисодий ҳаётини ташкил этиш ва йўлга қўйишга киришди ва бу мақсадда бозор иқтисодиётига ўтишни лозим топди. Иқтисод фанлари доктори, профессор А.Раззоқовнинг ёзишича, иқтисодий ҳаётни қурилаётган иншоотга ўхшатиш мумкин. Бозор иқтисодиёти ана шу иншоот пойдевори ҳисобланади. “Иқтисодий ғоя ва назариялар эса қўйилаётган ғиштлар кабидир, кейинги ғоялар аввалгиларини таҳлил этиш ва ривожлантириш мевасидир. Бинонинг шакл-шамойили эса ҳар бир халқ, мамлакатнинг тарихий мероси, тажрибаси, урф-одатлари, яъни ўзлигига боғлиқ. Масалан, немис халқи деганда ишда, ҳаётда аниқлик, япон, корейс, хитой деганда ишчанлик, ҳаракатчанлик, ўзбек деганда меҳнаткашлик, бағрикенглик, меҳмондўстлик ва бошқа фазилатлар дарҳол кўзга ташланади”¹⁰. Муаллиф бозор иқтисодиётига оид қарашлар халқимиз тафаккури тарихида мавжуд эканлигини, бу борада алломаларимиз, шоиру мутафаккирларимиз бетакрор илмий, фалсафий ва иқтисодий фикрларни илгари суришганини асослайди.

Мазкур бобнинг “Иқтисодий тараққиётни таъминлашда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари” номли иккинчи параграфи кичик бизнес ва тадбиркорлик шунчаки меҳнат жараёни, уларни ташкил қилиш усули эмас, уларни рационал, миллий ва умумхалқ манфаатлари билан уйғунлаштириш махсус иқтисодий ва ижтимоий, назарий билимларни ҳам тақозо этади. Кишилар фақат бугунги кун билан эмас, балки келажакни ҳам ўйлаб яшайдилар. Иқтисодиёт илми эса, айнан шу кун ҳодисаларини тушунтириш билан чекланмайди, балки келажакни ҳам англаш учун кўмак беради. Махсус иқтисодий фаолиятга оид замонавий билимлар ва технологиялардан фойдаланиш нимани англатади? Ҳа, бу масала аввало кадрлар ва уларни тайёрлаш тизимига оиддир. Республикамизда бу борада: 1) иқтисодиётни бошқариш тизимида замонавий менежмент ва маркетинг талабларига мувофиқ келадиган, халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга ёрдам берадиган янги институтлар, тизимлар ва бўлимлар ташкил этилмоқда; 2) кадрларни қайта тайёрлаш, замонавий иқтисодиётни бошқариш кўникмаларига эга мутахассисларга айлантириш масалалари ҳал

¹⁰ Раззоқов А. Иқтисодий тафаккур сарчашмалари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 13.

этилмоқда; 3) чет элларда яшаётган ва хизмат қилаётган ватандош мутахассисларни чақириш, уларнинг фаол ишлаши учун зарур имкониятларни яратиб бериш амалга оширилмоқда; 4) янги олий ўқув юртлари ташкил этилиб, уларда халқаро синовлардан ўтган билим олиш стандартларига мувофиқ келадиган фанлар ўқитилмоқда, янги йўналишлардаги мутахассислар тайёрланмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, ўз моҳиятига кўра, иқтисодий тараққиётни таъминлашда манфаатлар социоантропологияси яъни, инсон манфаатлари билан жамият манфаатларини рационал уйғунлаштиришга, улар ўртасида гармонияга эришишга қурилганлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Жамиятнинг маънавий-маданий тараққиёти ва унда инсон манфаатларининг намоён бўлиш хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи боби икки параграфдан иборат. “Маънавий-ахлоқий тараққиёт инсон ва ижтимоий манфаатлар маҳсули сифатида” деб номланган биринчи параграфда жамиятнинг маънавий-маданий, ахлоқий ҳаёти ўзига хос воқелик сифатида кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолияти ва турмуш тарзига инсоний йўналиш беради, улар манфаатларини юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар даражасига кўтариб, уларни шахс ва социум учун зарур, фойдали, тараққийпарвар қилади. Шунинг эса тутиш керакки, маънавий-ахлоқий тараққиёт инсон манфаатларига таяниб қолмайди, у аввало тарихий-маданий тажрибалардан, этноанъаналар ва миллий маънавий бойликлардан туртки олади, уларга таянган ҳолда кишиларни гўзал хулқ, ибратли ахлоқ ва ор-номус, ҳаё билан, бошқаларни ҳурмат қилиб, севиб яшашга чорлайди. Бу инсоний фазилатлар ўз-ўзидан шаклланмайди, жамият ва давлат ўзининг бор маънавий-маданий имкониятларини ижтимоий тарбиявий ишларга қаратади, айниқса ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш тўғрисида қайғуради.

Ижтимоий, ахлоқий идеал инсон ва жамият манфаатларининг маҳсули, инъикоси бўлган хатти-ҳаракатлар, фаолият ва муносабатларда объективлашади. Идеал субъектив воқелик, аммо у ушбу субъектив поғонада қола олмайди, у реал муносабатларда объективлашиши зарур.

